Жумладан, Жаҳон иқтисодий форуми — 2020 экспертлари фикрича, 2025 йилга бориб иш жараёнлари автоматлаштирилиши натижасида 85 миллион киши ишсиз қолиши мумкин. Масалан, 2020 йилда машиналар иш фаолиятининг атиги 33 фоизини бажарган бўлса, беш йилдан кейин бу кўрсаткич 47 фоизга етиши эҳтимоли мавжуд. Шундан келиб чиқиб, 2030 йилга қадар 75 миллиондан 375 миллионгача инсон касб тоифаларини ўзгартириши ёки янги кўникмаларни ўзлаштириши керак бўлади. Тадқиқот натижалари орқали маълум бўладики, яқин келажакда вужудга келадиган касбларнинг аксарият қисми бугунги кунда пайдо бўлиб, ҳаётимизга тез сингиб бораётган технологиялар — дронлар, муқобил энергия востанлари, ўз-ўзини бошқарадиган автомобиллар, криптивалюта ва блокчейн ишланмалардан келиб чиқади.

Келажак касблари

АҚШ ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритувчи Cognizant компаниясига тегишли Келажак касблари маркази (Center



1. Ай-ти фасилитатор. Корхона ёки муассаса жамоаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, ҳодимлар фаолиги, қаққонлиги ва иш самарадорлигини ошириш учун рақамли технологияларни қўллаш бўйича стратегияларни аниқлаш ҳамда ишлаб чиқиш билан шугулланувчи мутахассис. Номзод рақамли технологиялар ва компьютер муҳандислиги каби фанларни пухта ўзлаштирган бўлиши лозим.
2. Сунъий интеллект бизнесини ривожлантириш менежери. Сунъий интеллект ҳамма ишни бажара олиши мумкин, лекин ўзини ўзи тижоратлаштириш (сота олиш) кўникмасига эга эмас. Шу сабабли мазкур ишни сунъий интеллект бизнесини ривожлантириш менежери бажаради. Номзод бизнесни ривожлантириш, корхона савдоси, стратегик ҳамкорлик ёки махсусотлини бошқариш соҳасида катта тажрибага эга бўлиши талаб этилади.
3. Киберамаллар таҳлилчиси. Бугун ривожланган аксар мамлакатларда “ақли шаҳар” лойиҳалари тайёрланмоқда. Ушбу лойиҳада бутун шаҳар тизимлаштирилган тарзда онлайн назорат қилинади.

ИШСИЗ ҚОЛИШИ МУМКИН?

— Таълим йўналишларини ишлаб чиқувчи мутахассис. У янги мутахассисликларни ўқитиш бўйича йўналишлар (“йўл харитаси”)ни ишлаб чиқиш билан шугулланади. “Йўл харитаси” олий таълим муассасаси томонидан тақлиф этилаётган курслар (назарий ва амалий машғулотлар, стажировка, симуляцион дарслар)дан иборат бўлади. Мазкур “йўл харитаси” асосида таълим йўналиши ишлаб чиқилади. Таълим йўналишини яратишда талабанинг қобилияти, мақсади ва психологик жиҳатлари инобатта олинади.
— Таълим мазмуни мутахассиси. Муайян вазифалар учун мос ўқув курслари ва дастурларини йиғиш учун ўқув материалларини минимал билим блокларига ажратиб билан шугулланади. Шунингдек, у ўзаро боғлиқ бўлган билим, кўникма ва малакалар тўпламини ҳам шакллантиради.
— Онлайн таълим платформаси мувофиқлаштирувчиси. Профессор-ўқитувчиларга фанлар бўйича онлайн курсларни тайёрлаш, онлайн платформалар доирасида ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги мулоқотни шакллантиришга ёрдам бериш ҳамда онлайн платформада дарс машғулотларини ташкил этишга қўйилган талабларни белгилаш билан шугулланадиган мутахассис. Шунингдек, у халқаро онлайн ўқув платформаларига олий таълим ташкилотининг ўқув курсларини жойлаштириб бориш учун ҳам масъул бўлади.
— Билим валидатори. Талабанинг имкониятларини кенг қўламли параметрлар (мустақил фикрлаш, мослашувчанлик, мулоқот қобилиятлари) бўйича ўрганиш орқали билим ва кўникмаларни баҳолашнинг янги тизимларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш билан шугулланадиган мутахассис.
— Стартап ментори. Стартап лойиҳаларини амалга ошириш тажрибасига эга,

Бу назорат тизимига эса кибершаҳар таҳлилчиси масъул бўлади.
4. Инсон-машина жамоаси менежери. Замонавий дунёда ҳеч бир соҳани инсон ва технологик машиналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги кунда ишлаб чиқарувчилар олдидидаги муаммолардан бири сифатида инсон ва технологияни ишлаб чиқариш жараёнида самарали ўйлаштиришни кўрсатиши мумкин. Ушбу вазифа билан яқин келажакда инсон-машина жамоаси менежери шугулланади.
5. Квант машинасини ўрганиш бўйича таҳлилчи. Квант машиналар, бу — келажак технологиялари. Ушбу технологияларни ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнига эса квант машинасини ўрганиш бўйича таҳлилчи жавобгар ҳисобланади.
Бундан ташқари, 2021 йилда Россиянинг Стратегик ташаббуслар агентлиги ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда яратилган “Янги касблар атласи 3.0” китобида олий таълим соҳасида талаб йил сайин ортиб бораётган келажак касблари тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтириб ўтилган. Улар қуйидагилардан иборат:

Йўқолиб кетиши мумкин бўлган касблар

Яқин келажакда технологик тараққиёт ва сунъий интеллектнинг кенг жорий этилиши натижасида айрим касб турлари бутунлай йўқ бўлиб кетиши эҳтимоли мавжуд. Ирландиядаги касбга доир масалалар билан шугулланувчи хусусий платформа — CareerAddict маълумотига кўра, яқин келажакда қуйидаги касблар йўқолиб кетиши эҳтимоли юқори:
1. Кассир. Сўнги йилларга нақд пулсиз ҳисоб-китоб омалашаётгани сабабли яқин келажакда ушбу касб эгалари ишсиз қолиши мумкин.
2. Банк ходимлари. Келажакда банклар бутунлай йўқолиб кетмас-да, онлайн банк хизматлари кенг омаллашиб бораётгани туфайли уларнинг кўп қисми маҳаллий филиаллари ёпилиб кетиши эҳтимоли мавжуд. Ҳатто ҳозирги вақтда ҳам кўп қисми банк хизматларидан ўз-ўзини онлайн фойдаланиши имконияти яратилган.
3. Спорт ҳакамлари. Бугунги кунда кўп қисми спорт турларида “сунъий ҳакамлик”ка ўтиш жараёни давом этмоқда. Масалан, футболда қўлланилаётган VAR тизими анча самарали ишламоқда.
4. Диспетчер. Кейинги пайтларда кўп қисми компаниялардаги диспетчерлик хизмати автоматлаштирилмоқда ва бунинг натижасида диспетчерларга эҳтиёж камайиб бормоқда.

Инсон ва сунъий интеллект

Форсайт таҳлилчилар прогнозларига кўра, катта эҳтимол билан роботлар ҳеч

тадқирда ҳам инсон барибир унинг ишини қабул қилиши ва муайян ўринларини тузатиши керак бўлади.

Дастлабки қадамлар

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ҳам талаба ёшларини келажак касбларига тайёрлаш борасида дастлабки қадамлар ташланган. Жумладан, Президент мизининг 2022 йил 15 июндаги “2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги фармойишига кўра, 11 та давлат олий таълим муассасасида сунъий интеллект бўйича бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Қатор олий таълим муассасаларида рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар каби замонавий йўналиш ва мутахассисликлар ўқитилмоқда. Шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим институтида ҳам рақамли технологиялар ва сунъий интеллект, трансплантология ва сунъий аъзолар, биотехнология, геномика, протеомика ва биоинформатика, молекуляр биология, молекуляр генетика, молекуляр биотехнология каби келажак иқтисодиклари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Олий таълим муассасаларида ўқитилаётган таълим йўналиши ва мутахассисликларини яқин ва ўрта истиқболда пайдо бўлиши кутилаётган келажак касбларига мос равишда янгилаб бориш, илмий прогнозлар билан шугулланадиган форсайт марказлар очилиши ҳамда бошқаруви тузилмаларини олий таълим соҳасида вужудга келиши кутилаётган замонавий касбларга мос равишда янгилаб бориш бугуннинг энг муҳим талабидир.

Ислохотлар самараси

ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ТАНЛАШ

ёшларнинг ўзига боғлиқ

“Маҳаллам, юртим учун фойдам тегиши мумкинлигини ҳис қилдим”

Қўл жанги билан шугулланиши бошлаганига эндиликка икки ой бўлган Ўткирбекнинг иқтидорини тез юзага чиқди. Мураббий кўрсатмаларини яхши ўзлаштириб борган ёш спортчи тезда тенгдошлари орасида моҳирона ҳаракатлари ва усулларни пухта бажариши билан эътиборга тушди.

Ўткирбекнинг машғулотларида иштирок этиши оиласида ҳам сезилди. Авваллари кеч туриб, дангасалиги тутиб, мактабга ҳам боришни хоҳламасди. Энди тонгда югуришга отланади.

Тажрибаси ошиб қолган шогирдини устози мусобақаларга олиб бора болади. Шогирд эса доимо ишончини оқлади.

Ўткирбек ўрта мактабни тугатганида қўл жанги бўйича яхшигина тажрибага эга спортчига айланган. Аммо бир оз улғайгани боиси ёки бошқа сабабини кейинчалик машғулотларида иштирок этишни тўхтатиб қўйди. Бу орада бирор олийгоҳга ўқишга киришни ҳам уйдасидан чиқа олмади. Вақти бекори ишлар билан ўтадиган бўлди. Саёқ юрган таёқ ейти, деганларидек, худди салбий томонга ўзгара бошлагани яхшиликка олиб келмади. Одатдагидек бекорчиликда ўтаётган кунларнинг бирида тенгдош ўртоғи билан арзимас нарса ортидан тортишиб қолади. Оқибатда тортишув жанжалга айланади. Ешлигидан қўл жанги сирларини пухта ўзлаштирган Ўткирбек шеригига яхшигина тан жараҳати етказди. Бу қилмиши учун муайян муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилади.

Аслида, тўғри йўл қай томонда эканини англамай юрган Ўткирбек бу воқеалар оғир таъсир қилди. Энди ўзини жамиятга кераксиздек ҳис қила болади. Аввалги қизиқишларидан асар ҳам қолмади. Профилактик

рўйхатга олинди. Бирор иш билан шугулланиш эса ҳаёлига ҳам келмасди.
Орадан бир оз вақт ўтиб, барчасига қўл силтаб, хорижга кетиш истагиди юрган дамлари эди. Жорий йилнинг дастлабки ойи охиридаги маҳалласида икки-уч харбий зобит ёшлар етакчиси ҳамроҳлигида Ўткирбекни сўроқлаб келди. Доимгидек қуруқ гаплар билан бошни қотиришди, деб ўйлаганди. Аммо ундай бўлмади. Харбий либосда бўлишга-да, яқин ўртоқдек унинг қалбига йўл топа олди. Ёш бола каби танбех бериш ўрнига ундан айрим маслаҳатлар сўради. Фикрига қулоқ тутишди. Таклифларини диққат билан ёзиб олишди. Уларнинг бу ҳаракатлари Ўткирбекнинг кўнглига йўл очди. Зобитларга аллақачон унутаётган орзу-истакларини, бир олам режалари борлигини, афсуски, бир йўлдан адашгани оқибатида барчаси саробга айланганини сўзлади. Астойдил тинлаган меҳмонлар унинг ниятлари амалга ошириши учун ҳали ҳам кеч эмаслигини тушунишди. Бунинг учун ҳозирдан ҳам ишга киришиш лозимлигини айтишди.
— Ростини айтсам, болалигимда маҳоратли спорт мураббийи бўлишни орзу қилганим, — дейди Миришкор туманида яшовчи Ўткирбек Шомуродов. — Аммо ҳамма нарсага ҳам фақатгина орзу қилиш билан эришиб бўлмас экан. Ешлик қилиб, йўлдан адашганим боис, барчаси барбод бўлди, деб ўйлагандим. Гўёки бу ерда ўзимни ортиқча ҳис қилиб қолгандим. Баридан воз кечиб, четга ишга кетиш истагим ҳам йўқ эмасди. Аммо маҳалламизда турли тарғибот тадбирлари ташкил этилиши, харбий зобитларнинг мен билан суҳбати натижасида қишлоғим, маҳаллам, юртим учун фойдам тегиши мумкинлигини ҳис қилдим. Уларнинг кўмагида ёшларга спорт сирларидан сабоқ бериш имконияти яратиб берилмоқда. Ҳозир

қишлоғимизда кичикроқ залда тўғрак очиб, мураббийликни бошладим. Атрофимда ёш, спортга қаноқ болаларни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилиди. Машғулотларни мадҳия билан бошлаймиз. Хорижга фақат спорт орқали шогирдларимни олиб чиқишни, у ердаги шогўнада юртимиз мадҳиясини қуйлиши мақсад қилдим. Белни маҳкам боғлаб, ишга киришдим. Маҳалламизга келган харбийлар ёшлар етакчиси билан бирга керакли шартонлар яратиб бериш ҳаракатида. Демак, тез орада барчаси ўз изига тушиб кетади.

“Ўз мактабимни соғиндим”

Тириқчилик тошдан қаттиқ бўлади, деган гап бор. Фақатгина дангасаликни одат қилиб, бор имкониятдан фойдаланмасдан, нолишдан нарига ўтмайдиганлар учун айtilган

гап бўлса керак бу. Аслида, яхши яшашнинг ҳадисини олиб, ҳалол меҳнатдан юз бурмай динлар аллақачон тириқчиликни ҳалимдек юмшоқ қилиб олгани ҳам бор гап.

Рустамжон эндиликка тўққизинчи синфга ўтганида ота-онасини турмуш ташвишлари чарчатишим ёки юқориди айтганимиздек, тириқчилик тошга айландим, кутилмаганда чет давлатга ишга бориш ҳаракатига тушиб қолди. Бошида бир оз иккиланиб бўлса-да, барибир ниятидан қайтмади. Ўғлининг ёлғиз қолишидан хавотирланган ота-онаси уни ҳам бирга олиб кетадиган бўлди. Оиланинг кетиш мақсади оддий саёҳат эмас, балки ишлаш бўлгани боис, хорижда узоқ вақт бўлди. Бу орада ўғил мактабдаги ўқишларидан қолиб кетди. Хорижий тили билмагани учун у тарафларда мактабга бориб ўқишга имконияти бўлмади.



Фарзанднинг бегонаси йўқ

Айни кунларда Қашқадарёда ёшларнинг ахлоқини ўрганиш ишлари қизиган давом этмоқда. Бу тадбирларга харбий хизматчи зобитлар ҳам жалб этилган. Айнан харбийларнинг кўмагида ижобий натижалар кўпаймоқда.

— Жорий йил 12 январь куни Президентимиз раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йилгилиши ўтказилган эди, — дейди Жанубий-ғарбий махсус харбий округ тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси катта офицери, майор Акмал Ҳақимов. — Унда ёшларни харбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини янги сифат босқичига олиб чиқиш

бўйича аниқ топшириқлар белгилаб берилганди. Ушбу топшириқлар асосида мудофаа вазирининг тегишли буйруғига биноан округимизда 2024 йилда ёшларни оталиққа олиш ҳамда улар билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилди. Унга кўра, дастлаб ташкилий тадбирлар режаси тузилди. Шу асосда “Харбий округ ёшлар штаби” ташкил этилди, худудий штаблар иш бошлади. Шунингдек, маҳаллабай, хонадонбай, соҳабай йўналишлар орқали ишларни ташкил этиш мақсадида жойларда ишчи гуруҳлар ҳаракатга тушди. Профлактик, жиноятчиликка қарши курашиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, харбий-ватанпарварлик, оммавий спорт, маънавий-маърифий тадбирларга старт берилди.

Ҳозир Қашқадарё вилоятида биринчи сектор тегишли 235 та маҳаллада 93 минг 310 ёш яшайди. Уларга 450 харбий хизматчи бриктирилди. Ишчи гуруҳ босқичма-босқич иш олиб бормоқда.

Бугун харбийлар ҳар бир ёшнинг ёнида бўлиб, дардига қўлоқ тутиб, кўмак беришга интиганини кўриб, маҳалла еттилиги” ҳам ҳаракатга тушган.
— Худудларда ёшлар билан ишлашга харбий хизматчилар жалб этилгани қисқа фурсатда самарасини намоян эша бошлади, — дейди Қашқадарё вилоятидаги “Омонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раис Азамат Усмонов. — Хусусан, ёшлар худудда ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Йигитларнинг харбий хизматга қизиқиши ортмоқда. Биз ҳам зобитлар ёнида бўлиб, имкон борича фаол ҳаракатдамыз. Мақсадимиз, ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмаслиги керак. Ахир фарзанднинг бегонаси йўқ. Шу юртда вояга етаётган болалар барчамизнинг ўғил-қизларимиз.

Эту ишлар самараси ўлароқ, “Жасорат мактаби”га тўрт юз ёш жалб этилади. “Ватан таянчи” аъзолигига ўн икки минг йигит-қиз қабул қилинади. Икки минг нафарининг харбий қисмлардаги тўғарақларда иштироки таъминланади. Мусобақа ва танловларда ўн саккиз миңдан ошиги қатнашади. Ўн уч ярым минг йигит харбий хизматга юборилиши, харбийлик касбига йитгирга минг нафарини қизиқтириш мақсад қилинган.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Овчининг қўлидан қутилган кийикдек титраб турган болага астойдил разм солиб турсам, ҳа дегулик ҳоли йўқ. Котибамга айтиб, нон-чой олдирдим. Хайдовчига қолса, дарров ички ишларга бериб юборса. Жувонмарг бўлиб кетади-ку, дедим. У-бу тотиниб, сал ўзига келгач, суриштирсам, ота-онаси вафот этиб, амакиси қўлида қолган экан.

Одамийлик сабоқлари

Вазифамиз, бурчимиз тақозоси билан мактаблар, лицейлар, билим юртрларида ўсмирлар орасида кўп бўламиз. Уларнинг чақнаб турган кўзларида борар манзилларимизнинг чироқларини кўрганимиздай кўнглимиз ёришади. Сўзларидан билимдонлик, мазмундорлик ҳис этсак, орзуларимиз осмони яқинроқ келгандай бўлади. Даврачаридан яшариб, яшнаб чиқамиз.

Жувонмарглар кунгайда кўклайди ёхуд меҳр ҳамиша бирламчи

Қутлибека РАҲИМБОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Бир-биримизга: — Қаран-а, барибир овоз дунё болалари-да, биз шундай айтмабмиз, айтолмабмиз, — дея қувонч, фахр билан гапириб юрамиз. Аммо ҳаёт-да бу... Фақат тўғри тарбия олган, тўғри йўлда кетаётган ўсмирлар даврасига эмас, ахлоқ тузатиш колонияларига, тарбияси оғир қўзлар ўқийётган масканларга ҳам боришга тўғри келади. Айни ҳаётдан завқланган, бегубор фаслнинг муаттар ҳаволида яйраб юрадиган даврида чекланган, чегараланган бир шароитда кун кечираётган ўғил-қўзларга қараб юрагимизга юк тушгандек бўлади. Баъзилар кўзларидан алам, баъзилари нигоҳларидан беаъмо ифода, гофилик, айримларида эса афсус, надомат, пушаймонлик. "Уларнинг айби билан шу холга тушган...", деб юз марта такрорласак ҳам, барибир, ич-ичимизга кирган бир оғирқош бодан оёғимизга сездириб туради.

"... Уттан 2023 йил давомида республика ўқувчилари томонидан 1500 дан зиёд жиноят содир этилган бўлиб, бу 2022 йилдагига нисбатан 288 та кўп..." Яқин кунларда матбуотда эълон қилинган, бир чеккаси ўша болаларга тегишли бу рақамларнинг ҳар нуқтаасидан тиканак ўсиб чиққандек юракни тиндирайди. "...ўғирлик жинояти 36 тага, безорилик 35 тага, гнѐхвандлик 15 тага ошган..." Бу қиѐсарнинг бари ўтган йил ва бу йилга нисбатан олинган. Ахир бундай бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку! Қисмат шамоллари қорраҳасида совқотиб турган ўсмир меҳрнинг ҳароратли бағрига олинса, балки...

Анор опа Маҳмудова ҳикояси (Ўзбекистон Қаҳрамони) — Ўтган асрнинг охирида яшаган одамлар, айниқса, ўқитувчилар СПТУ деган билим юртини яхши билади. Ўқувчилари саккизинчи синфни битираётган синф раҳбарлари йил охирашлари орзиқиб кутарди. Тезроқ ўша кун келса-ю, тарбияси оғир, қулқосиз, дарсларга ҳалақит берадиган, орқасидан ўқитувчига муаммо келадиган болаларни ўша СПТУ-ларга жўнатиб юборса.



Мени Гурлан — ўзимнинг туманимдаги СПТУга раҳбар қилиб юборишди. Дастлаб гирдобга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Жанжал ҳам шу ерда, мелиса, муҳокама ҳам шу ерда... Ўқитувчилар билан суҳбатлашсам, улар ҳам бу ҳолатни табиий қабул қилар экан. Деярли ҳаммасининг хаѐли бир амал-лаб вақтини ўтказиб, болаларни мактабдан чиқариб юбориш.

"Хайдовчи бўлгани бўлар, тракторчи бўлсам ўзига. Бўлмасам фожиа эмас, маош келиб турибди-ку" тарздаги кайфият... Йўқ, мен бундай ишлаш олмайман, дедим. Болаларнинг ҳаѐтини ўзгартириш керак эди. Бу ўзгаришни уларнинг кийимларидан бошладим. Ҳомий топиб, ўлчамларини олиб, бир хил костюм-шим тиктирдим. Замонавий бичимдаги поябалаб харид қилишга эришдим. Осон бўлмади бу. Ботинканинг ипи учун ҳам бировга саргайиш керак эди. Ўзимнинг манфаатим бўлса, ўлдириб юборсалар ҳам бунақа ишни қилмасдим. Лекин ўсмир болалар ҳаѐтига ёруғлик киритиш, кўнглиларидан эзгуликка ишонч уйғотиш учун қилдим бу ишларни. Тагин бу шахсий ташаббус эди, бугунгидай давлат қўллаб турмаган эди бундай ташаббусларни. Мен ташқи формаларини янгилаш билан болаларимнинг онгига "Сизлар ҳам ҳамма болаларга ўхшайсизлар, бировдан кам жойларинг йўқ", деган фикрни сингирмоқчи бўлдим. Тел-пақ, қўпол-қўпол фуфайка, кирза этик ки-йиб бир ахволда ўтирадиган ўсмирлар янги кийимларда ярақлаб кетди. Билим юртимиз деворларини оқлаб-қўқлаб, баҳорда аввал-лари ажриқ босиб ётган ҳовлига гуллар экдик. Ўқувчиларимнинг руҳиятида ҳам яхши бир ўзгариш сездим. Гўё улар бу чиройли, озода кийимлар, оппоқ деворлар, чаман

синфдошларимга ботир бўлсам-да, ундан нарироқ юрардим. Адашмасам, юқори синфда ўқийётган пайтимиз эди. Рамзнинг давомати ёмонлашгандан ёмонлашар, бундай давомат билан мактабни битириши муаммо эди. Умри опа Мусаева деган математика муаллими бизнинг бўларди. Камгап, унча кўзга ташланавермасди, алоҳида бир фазилатини ҳам сезмасдик. Кунларнинг бирида у менга: — Қизим, Рамзнинг уйини биласанми? — деб сўради. — Биламан. — Мени бошлаб борасанми? — мулозимлик билан сўради. — Й-ў-қ, қўрқаман. Уради у. — Мен борман-ку, ҳеч нарса қилмайди... Ёмгирли кун эди, Умри опага эргашиб олдим. Муаллимнинг лой сачратиб кетаётган анча уринган қовуши ҳануз кўз олдимда туради. Кирдик. Менимча, муаллима бу оила ҳақида сўраб-суриштирган бўлса керак, деворлари сувоқлари кўчиб ётганига ҳам, пойсиз хоналари тўшамалари эскириб, алламбало бўлиб кетганига ҳам эътибор бермади. Рамз уйда бир ўзи экан. Кейин кетсам, икки акаси жиноят қилиб қамалиб билган. Отаси ҳам уларга қисматдош. Онаси тирикчилик ташвишида... Назаримда, синфдошимни ҳам шундай қисмат кутарди. Рамз кутганимдай, қимирлаб ҳам қўймади. Умри муаллима олдига газета тўшаб, кесилмаган бўханкадан бѐушшов синдириб, мураббога ботириб еб ўтирган Рамзнинг орқасига ўтиб, елкасидан маҳкам қучоқлади. Оғизлари мураббо юқи синфдошим анграли бўлиб қолди. Муаллима Рамзнинг елкаларини силаб: — Болам, ўқишларга бориб тур. Буѐғи оз қолди. Барибир бир кун аттестат сенга керак бўлади. Хўп-а, хўп-а... — деб ниҳоятда майин овозда такрорлади. Билмадим, бу яқин орада биров унинг елкасини бундай меҳр билан силамаганим, Рамз галати бўлиб қолди. Тили сўзга келмай бошини қимирлатарди, холос. Энг таажубланарлиси, муаллима синфдошимга бошқа ҳеч нарса демеди. Шундан шунга лой кечиб бориб, бир оғиз сўз айтиб-да, қайтди. Водариг, эртасига Рамз мактабга келди. Умри опа талаб қилганидай, оқ қўйлақда... Математика дарсига кирди-ю, дарсдан сўнг яна гоийб бўлиб қолди. Бир қарасам қўйлагини ечиб, биланга ташлаб олибди. Шу-шу Рамз то мактабни битиргунча математика дарсидан қолмади. Кўчириб бўлса-да, ѐзма ишларни ѐзарди. Ора-сира бошқа дарсларга ҳам кириб турди. Мактабни битиргач, муаллима синфдошимга уни ма-шина таъмирлайдиган жияни шогирдликка берди. — Қийин экан, қўлларини шилиниб кетди, — деб бир ҳафтадаѐқ уйига жуфтани роствалган экан, Умри опа уйига бориб: "Жияним сени роса мактабди. Бу болада устачиликка тугма қобилият бор экан. Ҳаѐмай зўр уста бўлиб кетади деди" тарздаги гапларни гапириб, эритиб, жиянининг ѐнига яна қайтарди. Мактабни тугатганимнинг йингира йиллигида синфдошлар учрашдим. — Класском, салом... — деб олдимга келган Рамзи танимабман: бир басавлат киши бўлибди... Ўзининг машина таъмирлайдиган

бўлиб ётган гуллар қаршида безорилик қилгани, қўнғил кўчаларида адашиб кетгани хижолат торта бошлагандек эди. Ўзимнинг ўғилларим жуда яхши ўқирди. Математика, физика фанларига тегишли масалалари бор журналлар олишар, иштиѐқ билан масала, машқлар ечарди. Уларни дарсдан ташқари машгулотларга жалб этдим. Болаларим ўз дарсларидан чиқиб-қўйиб юртимга чопи-шарди. Сал-пал иктидори бор болалар унча мураккаб бўлмаган масалаларни ечишар, бир сўз билан айтганда, ўқувчиларимиздан ҳам "Нима бўлса бўлар, боримиз — шу" тар-зидаги кайфият узоқлашди. Турли саналар муносабати билан тадбирлар ўтказса бошла-дик. Аввал давомат яхшиланди, кейин жуда мактанарли бўлмас-да, сифат ўзгариши ҳам сезилди. Кўнглисизликлар, мелисабозлик сийрақлашди. Ўша давр ўқувчиларим-нинг кўпи биттадан бўлса-да, хунар ўраниб ҳаѐтда йўлларини топиб кетди. Қувонарлиси, орасидан олий маълумотлилар ҳам чиқ-ди. СПТУда ишлаган даврим менга феъл-автори оғирроқ ўсмирларни ҳам меҳр билан яхшилик сари ўзгартириш мумкин, деган хулосани берди. Бу хулоса кейинчалик ҳам педагогик фаолиятимда кўп бора ўқувчиларни тўғри йўлларга солиб юборишга ѐрдам берди.

Фарида опа Абдурахимова ҳикояси (Дин ишлари бўйича қўмитанинг хотин-қўзлар билан ишлаш бўлими бошлиғи) — Синфимизда Рамз исмли бола бор эди. Кўз-ларидан ваҳший бир ўт ѐниб турар, ваѐҳатидан ѐнига яқинлашгани ҳатто ўғил болаларимиз ҳам бо-тинмасди. Форма киймас, дарсларга ҳам ҳушига келса, келарди. Шимининг камарига биттагина дафтар, битта қалам кистириб олар, ўқитувчиларимиз қистаса, парта устига қўйиб, ажи-бужи чи-зиқлар чизиб ўтирарди. Муаллимларимиз-нинг аксарияти унга айтадиган гапларини "сен одам бўлмайсан"дан бошлаб, "нари борса кўча супирувчи бўласан", деб ту-гаттишарди. Мен синфком бўлсам ҳам ун-дан чўчириб, бошқа турфа характердаги



устахонаси бор экан, икки ўғли ҳам ѐнига кириб қолибди. — Умри муаллимани тополмай қолдим. Ҳар байрам, туғилган кунларида йўқлаб турардим, янги уйга кўчиб кетибди, арбоб-сан-ку, топиб бер, — деб қолди хайрлаша-тиб. Ҳа, умидимизни узиб қўйган болага ҳам меҳр кўрсатсак, шаҳзодага айланган жонзот-дек хайрон қолдирадиган одамга айланаркан. Бировдан эҳтисам, эртақ деб ўйлардим. Ўзим гувоҳ бўлганим учун одам боласини муаммо-лар гирдобидан олиб чиқадиган энг қучли нарсаси меҳр эканига ишонаман.

Раҳматли тоғам Усмонали Жумабоевнинг ҳикояси. (Қува туманининг Акбаробод қишлоғида яшаган, бир неча раҳбарлик лавозимларида ишлаган). — Бир кунни хайдовчим ишонамга ўн-ўн икки ѐшлардаги боланинг буйнидан бўғиб олиб кирди. Чивикдек бола хайдовчимнинг йўғон қўлларида тиричилаб турарди. — Ҳой, қўйвор, қанча жони бор бугина-нинг, — деб қўйига ёпишсам, хайдовчим: — Э, хўжайин, аяман бунақарни. Ма-шинангизни, билмайман, қанақа қилиб очиб-ди, магнитфонингизни ўғирлаётган экан. Яхшиям бориб қолибман, — деди.

Овчининг қўлидан қутилган кийикдек титраб турган болага астойдил разм солиб турсам, ҳа дегулик ҳоли йўқ. Котибамга айтиб, нон-чой олдирдим. Хайдовчига қолса, дарров ички ишларга бериб юборса. Жувонмарг бўлиб кетади-ку, дедим. У-бу тотиниб, сал ўзига келгач, суриштирсам, ота-онаси вафот этиб, амакиси қўлида қолган экан. — Магнитфонингиз нима қилмоқчи эдинг? — десам: — Сотиб, сингилларимга хайитта зирак олиб бермоқчи эдим. Ҳамма ўртқариди зирак бор, — деди. Гавадани одам бўлсам ҳам кўнглим бўш, йиғлаб юборишдан зўрга ўзимни тийдим. — Зирак учун тер тўкиб меҳнат қилиш кераклигини биласанми? — дедим-у, қўл-ларига кўзим тушди, бармоқлари қадоқ боғлаб ѐтибди, гавдасига нисбатан қўллари катта. Жисмоний меҳнатда пишгани кўриниб ту-рибди. — Нима иш қиласан, ер чопасанми? — деб сўрасам: — Гишт қуямиз амаким билан, — деди. — Амакин сингилларингга зирак олиб беради-ку айтсанг, — десам, йиғлаб юбор-ди. Ҳаммаси тушунарли эди. Барибир су-риштирдим. Амакиси аѐлманд экан. — Узимга ўзимнинг болаларим ортиқча-лик қилади. Бу сағирларни интернатга бериб юборай десам, акамнинг арвоҳи чирқиллай-дими, дейман, — деди йиғлаб сираб.

Хуллас, рози-ризолик билан болаларни уйга олиб келдим... Мен аслида, бу ҳикояни тоғамнинг хайдовчисидан эшитганман. Лекин бу бағриденлик қаҳрамони ўзи бўлгач, унинг тилидан сўз айтгим келди. — Йигитали ака билан Умсиной, Турсу-ной опа (исмларини ўзгартирдим) тоғамнинг ўз фарзандларини эмас экан-а? — деб сўраган-имда айтиб берганида хайдовчи ва гаплар-ни. Ўша пайтда уларнинг уччаласи ҳам уйли, жойли. Ака дўждор, сингиллар ҳамшира эди. — Йигитали, пулнинг ичиди юриб, пулга қўзи тўқ бўлсин, деб савдога берганман, — дер экан тоғам. Улар тоғамнинг ишончини оқлашди. Вафот қилганида ҳам Йигитали ака ўғиллари, неваралари қатори тобутининг олдига тушди.

Сўнгсўз ўрнида Аслида, бу ҳикояларнинг хулосаси ўзи билан. Агар Анор опанинг фидойиликлари, Умри муаллиманинг меҳри, тоғам раҳмат-лининг бағрикенглиги бўлмаганида, эҳти-мол, СПТУдан ҳам хайдовчи, тракторчи, муҳандис ўрнига, уста Рамзнинг ѐки қўли ўғирликкача қўзилган Йигиталининг ўрни-га бир неча ўғри, каззоб пайдо бўлармиди? Булар кечанинг одамлари, демаски. Бу-гун кемагидан бадавлатроқми. Бугун инсон қаҳри кемагидан баландроқ, Тинчлик, осуда-лик, қадриятларга эътибор босиб, элимиз яна яхшиликлар атрофига бирлашмоқда. Демак, "... Уттан йили ўқувчилар орасида 45 та но-мусга тегиш жиноятчи содир этилган", де-ган аниқ манбалардан олинган рақамларни ўзимиз учун ҳам иснодди, оғриқли ҳол, деб қабул қилиб, жиноятни камайтириш, унинг олдин олишнинг жазадан бошқа йўл-лари ҳақида ҳам кўпроқ ўйлашимиз керакка ўхшайди.

ИЗҲОР



ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Дунё, ҳаѐт, инсоният мудом курашлар ичиди. Ҳеч бир вақт йўқки, тарих силсиласида, жаҳоннинг бирор манзилида уруш кечмай, сокинлик ҳукм сурган бўлсин. Олимларнинг ўрганишича, бугунга қадар инсоният бутун тарихи мобайнида бор-йўғи 292 йилгина урушларсиз яшаган. Ер юзидида жами 15 мингдан ортиқ уруш бўлган, шундан 5700 тасини катта урушлар ташкил этади. Аммо урушлар орасида энг йириғи, талафотлиси, қонлиси ўтган асрда содир бўлди. У Иккинчи жаҳон уруши номи билан тарихга кирди. Шу урушнинг рутубатларини тўйган юртдошларимиз борки, улар ҳамма учун ибрат мактабидир.

Маълумотларга кўра, 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси 6 миллион 800 минг кишидан ортиқ бўлган. Иккинчи жаҳон урушига 2 миллионга яқин юртдошимиз сафарбар этилган. Шиддатли жангларда улардан 500 мингдан ортиғи ҳалок бўлган, 158 мингдан зиѐди беда-рак йўқолган.

Иккинчи жаҳон урушига Сурхондарѐ вилоятдан 53 минг 365 йигит жўнатил-ган. Уларнинг 11 мингдан ортиғи жанг майдонларида мардларча ҳалок бўлган. Айни пайтда вилоятда Иккинчи жаҳон урушининг 3 қатнашчиси яшамоқда. Бугун юз билан юзлашганлар ораси-да Бойсун туманидаги Темир дарвоза маҳалласида ашовчи Шохимардон Ҳамроев ҳам бор.

— 1941 йилнинг кузи эди. Колхоз идорасига кўпчиликини қақришди.



Ҳамманинг юраги титраган. Хотин-халаж йиғлаган. Ҳарбий либосдаги командир урушга жўнайидиганларнинг навбатдаги рўйхатини ўқиб бериб, ўз зугумини ўтказишга ҳаракат қила бошлади, — дейди Шохимардон бобо Ҳамроев. — Бир-иккитанинг рўйхати-ни ўқиган эди. Бормаслиқнинг иложи йўқлигини билса-да, орқага тайсалла-ди. Менга ҳам "Урушга жўна!" деб дўқ қилди. "Бораман!" дея жаҳл оҳангида жавоб қайтардим. "Жаҳлингни урушда, жангтоҳларда кўрсатсан", деди. Сиз билан уруш тугагандан кейин шу ерда кўришамиз, дедим. Ҳарбийлар, йигил-ганлар кулиб юборди. Урушга кетдим, пешонамга битилган экан, қайтдим.

Сўлим Бойсун туманидаги тоғлар бағрида жойлашган кичик қишлоқда умргузаронлик қилаётган отахон бутун-гичи кунда фарзандлари, набири ва чева-ралари қуршовида, уларнинг дуоғўйи. Отахоннинг хонадони доимо кели-бетувчилар билан гажвум. Маҳал-ланинг улғи саналган Шохимардон бобо ҳолдан Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи Термиз гарнизони тасар-руфидидаги ҳарбий қисм хизматчилари ва Термиз ҳарбий госпитали шифокорлари ҳам хабар олгани боришди.

Сарвар Тўраев, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ҚИЛИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

